

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ЯРАТУВЧАНЛИК ВА ИЖОДКОРЛИК ҲИСЛАТЛАРИ ТАЛҚИНИ

Шодиева Райҳон Сайдуллаевна
Alfraganus university нодавлат олий
таълим ташкилоти катта ўқитувчиси

Аннотация: Буюк алломаларнинг маънавий баркамоллик, илмий билимлар, истеъдод, зеҳн, ақлий қобилият, ижодий ишларга турлича оқилона ёндашувлари мавжуд бўлиб, глобаллашув шароитида инсон ижодкорлиги ҳиссий, ижодий, маънавий ва ахлоқий фаолияти орқали билим, ақл-заковатга эришади. Интеллектуал салоҳият ҳам бошқа маданий, ижодий, маънавий-ахлоқий қадриятлар қаторида, кишилик жамияти тарихий тараққиёти жараёнида шаклланиб боради. Ушбу мақолада шарқ мутафаккирлари асарларида креативлик ва ижодкорлик ҳар бир миллатнинг маданияти, маънавияти ва маърифий етуклиги асосида ривожланиши ҳамда инсоннинг кўп қиррали қобилияти, чидами, ишончи, шижоати, иқтидори, изланиши ва интилиши, кураши орқали такомиллашиши ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ақл, тафаккур, ақл-заковат, ижодкорлик, креативлик, комиллик, зеҳн, интеллектуал салоҳият.

Аннотация: Великие ученые имеют разные рациональные подходы к духовному совершенству, научным знаниям, таланту, интеллекту, интеллектуальным способностям и творческому труду. В условиях глобализации творчество человека достигает знаний и интеллекта через эмоциональную, творческую, духовно-нравственную деятельность. Интеллектуальный потенциал, наряду с другими культурными, творческими, духовно-нравственными ценностями, формируется в процессе исторического развития человеческого общества. В данной статье анализируются взгляды на творчество и творчество в произведениях восточных мыслителей на основе культуры, духовности и образовательной зрелости каждого народа, а также взгляды на многогранность способностей, выносливости, уверенности, мужества, таланта, поиск и стремление, совершенствование человека через борьбу.

Ключевые слова: разум, мышление, интеллект, творчество, совершенство, разум, интеллектуальный потенциал.

Annotation: *Great scientists have different rational approaches to spiritual excellence, scientific knowledge, talent, intelligence, intellectual abilities and creative work. In the context of globalization, human creativity achieves knowledge and intelligence through emotional, creative, spiritual and moral activity. Intellectual potential, along with other cultural, creative, spiritual and moral values, is formed in the process of historical development of human society. This article analyzes views on creativity and creativity in the works of Eastern thinkers on the basis of the culture, spirituality and educational maturity of each people, as well as views on the versatility of abilities, endurance, confidence, courage, talent, search and desire, human improvement through struggle.*

Key words: *mind, thinking, creativity, perfection, intelligence, intellectual potential.*

Юртимиз мустақиллигини қўлга киритгач, ҳалқимиз учун барча соҳада янги давр бошланди. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини ижодкор, креатив, комил инсонлар белгилаб бермоқда. Чунки XXI аср интеллектуал маънавият ва ахборот асри сифатида кириб келди. Тараққиёт – бу зарурат, у борлиқнинг абадий ажралмас усули бўлиб, инсонга инсон сифатида, энг олий қадрият сифатида қараш имкониятини берди. Ривожланиш қонунияти шундайки, дунё доимо янгиланиб боради. Шунга кўра, бугунги дунё ҳам янгиланмоқда ва бу ўзгарувчанлик бутун дунёнинг ҳам ўзига хос жиҳатига айланган.

Ақл бу объектив олам нарса ҳодисаларининг муҳим қонуний муносабатларини акс эттириш ва шу тариқа воқеликни ижодий ўзгартириш имконини беради. Ақл илмга эришиш воситаси бўлиб, илм инсоннинг зеҳнини ўткирлаштиради, ҳусни хулқ эса унинг дилини равшанлаштиради. Шунинг учун ҳам донолар илм ва юксак маънавий-ахлоқий сифатлар соҳибини ақлли одам деб атайдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отган эмас». Мазкур ибора пайдо бўлганидан буён минг йиллар ўтди. Бу – бутун коинот, табиат ва башарият доимий ўзгаришда, янгиланишда, деганидир. «Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги янги босқичи ана шу жиҳатларнинг барчасини чуқур идрок этиб, бу борадаги ёндашув ва саъй-ҳаракатларни тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда. Ҳалқимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори фуқароларимизнинг онги ва дунёқарашида жиддий ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда...» .

Буюк мутафаккир Форобийнинг таъкидлашича, ҳаётда орттирилган тажриба инсон амалий ақлининг асосини ташкил этади. Худди шунинг учун амалий ақл инсоннинг ҳаётий тажрибаси натижасида доимо бойиб,

ривожланиб боради . Инсон қанчалик кўп ҳаётий тажрибага эга бўлса, у шунчалик мукаммал амалий ақлга эришади . Шу сабабли ҳам Форобий ҳар бир халқ орасидаги нуфузли, ақл-заковатга эга бўлган ва алоҳида мартабали кишиларни айна ана шу халқ янги тарихининг моҳиятини белгилайдиган, ҳаёт мазмунини бойитадиган воқелик даражасига кўтарди.

Жаҳон фани ва маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан бири Абу Райҳон Беруний (973-1048 й.) ҳисобланади. Беруний асарларида фан учун ғоят қимматли маълумотлар, ажойиб фикрлар, далил ва таҳминлар, гениал ғоялар келтирилган бўлиб, жаҳон маданиятини ўлмас дурдоналар билан бойитган бу забардаст харезматик ақл эгасининг теран фикрлари абадийликка арқон солиб тураверади. «Бу ҳақда гапирганда севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг «Уммон ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали» деган сатрлари беихтиёр ёдга тушади» – деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Берунийнинг эътироф этишича, инсоннинг ақлий қобилиятлари: фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш – хотира, идрок, ирода билан чамбарчас боғлиқ. Берунийнинг фикрича, бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир. Демак, креатив одамда қобилият, ирода, билим, тажриба – ҳаммаси бирликда ижодий фаолиятни вужудга келтиради. Ижодий фаолиятни инсон ақлий фаолиятидан ажратиб қараш мумкин эмас. Аксинча, ижодкорлик ақл фаолиятининг инъикосидир.

Буюк алломаларимиздан яна бири Ибн Синодир (980-1037). У ҳам барча даҳолар сингари зеҳни ўткир, хотираси мустаҳкам, билимга чанқоқ, тенгсиз маънавий иқтидор соҳиби бўлган. Бир америкалик олим «Гиппократ медицинада шоҳ бўлса, Ибн Сино Куёш эди», деб тасдиқлаган. Ибн Сино меросида илм ва ахлоқ бирлиги муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Ахлоқий равнақ инсонга хосдир, чунки у ақлнинг улкан кучи, тафаккурнинг фаоллигига асосланиб, ҳақиқат билан ёлғон-яшиқ ўртасидаги чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дўстнинг душмандан фарқини ҳам билиб олади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, инсон ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлиб туғилмайди. Кишилар тайёр сифатлар, кўникмалар, фазилат ва иллатлар билан дунёга келмайди. Улар аслида ҳаётда шахсий ва ўзгача тажрибаси, аждодлар анъаналари, таълим-тарбия натижасида шаклланади ва муайян ижтимоий мақсадга эришади .

Ибн Сино фикрича, ақл инсоннинг энг олий даражаси, энг юқори ҳолатдир. Ақлнинг шаклланиши ва ривожланишида инсоннинг ички ва ташқи сезгилари муҳим рол ўйнайди. Ибн Сино инсон ички ва ташқи сезгилар ёрдамида билиб бўлмайдиган олам сирларини ақл кучига таяниб

билиш мумкинлигини айтади. Чунки, инсоннинг «индивидуал ақл»га «дунёвий ақл» ҳамisha мадад, кўмак бериб туради. Худди шу мадад инсон ақлий қувватини, хусусан муҳокама қилиш, мулоҳаза юритиш салоҳиятини оширади. Ақлий қувват ошиб бориши инсон сезгилар ёрдамида илғаб олинмаган олам сирларини аста-секин билиб олишга қодир бўлади. Зеро, қувват – инсоннинг бирор фикр, тушунча ёки хотирани миёда сақлаш қобилиятидир. Бирор ишни бажаришда шохма-шошарлик қилишдан сақловчи қувват бу – ақллиликдир. Зийраклик эса сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват.

Креатив инсонлар ўз вазифасини бажаришга ўта масъулият билан ёндашадилар ва руҳий жиҳатдан ҳар доим тайёр бўладилар. Бундай сифатга эга бўлган кишилар жамиятда жуда катта моддий, маънавий фойда келтиради. Охир-оқибат ҳар бир инсон ақл-заковат, қобилият, ирода, зеҳн, иқтидор, етуклик, камолотга чорловчи интеллектуал салоҳият эгаси, қадриятларни ўзида мажассамлаштирган етук қадрият соҳибига айланади. Демак, ўз фаолияти ва турмуш тарзида юксак умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларни мужассамлаштиради.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: «Кучли бирни, илмли мингни енгади», - деганлар, яъни кимки юксак марраларга эришмоқчи бўлса, қайси бир давлат тараққий этиб, эътироф қозонмоқчи бўлса, аввало ўзининг интеллектуал салоҳиятини ишга солиш, юксалтириш керак. Интеллектуал бойлик асрида юксак интеллектуал салоҳиятга эга халқ жадал ривожланади.

Демак, ёшлар улуғ аждодларимизнинг мурожаат ва васиятларида айтилганидек, фақат теран илм, доимий изланиш, дунё ва охиратни унутмаслик асосида ҳаракат қилишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси.-Т.: О'zbekiston, 2022.-4,7-бетлар.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.-244-бет.Аль-Фороби. О разуме и науке. –М., 1975. - 79-б.
3. Аль-Фороби. Философские трактаты. - Алма-Ата, 1972. - 79-бет.
4. Аҳмад Югнакий. Ҳисобат-ул-ҳақойиқ («Ҳақиқатлар совғаси»). Қадимги ҳикматлари.-Т., 1987.-417-418-бет.

5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.: Гофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.-181-бет.
6. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. Қадимий ҳикматлар.-Т., 1987, 94-99, 101-б.
7. Шайхова Х. Интеллектуал салоҳият-тараққиёт мезони.-Т.: O'zbekiston, 2011.-Б.13.